



Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 18 декабрь, № 249 (4402)

Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ФАХРИЙ УНВОНЛАР УЧУН ТЎЛОВЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтиришга, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келаётган шахсларни муносиб рағбатлантириш ва қўшимча равишда моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб давлатимизнинг фахрий унвонларига сазовор бўлган шахслар - "Халқ" ва "Хизмат кўрсатган арбоб" фахрий унвонлари эгалари учун бериб келинаётган тўловлар энг кам иш ҳақининг 2 баробари, "Хизмат кўрсатган" фахрий унвони соҳиблари учун эса энг кам иш ҳақининг 1 баробари миқдоридан оширилиб, ҳар ойлик тўловларнинг миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгиланган кўйилсинки, фахрий унвонлар эгаларига тўловлар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда фахрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 декабрь

И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислон Республикаси Ҳукумати ўртасида жиний ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартномани (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 7 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислон Республикаси Ҳукумати ўртасида жиний ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартнома (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 декабрь
№ ЎРҚ - 129

Изланиш

Бугунги истеъмолчининг талаби ва диди анча нозик. У ҳар қандай маҳсулотнинг сифатига ва қадоқланишига жиддий талаб билан ёндашади. Ишлаб чиқарувчи ушбу мезонларни ўзига дастуриламал қилиб олгандагина, унинг бизнеси ривожланади.




БИРИ-БИРИДАН КЎРКАМ

Пойтахтимиздаги "Тяньшан флекс" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг ёрликлар маҳсулотларга кўрк-тароват бағишляётди. Айни кунларда турли ишлаб чиқарувчи субъектлари ушбу корхона билан ҳамкорлик ўрнатиб, ўз маҳсулотлари ёрлиги учун буюртмалар беришмоқда. Жумладан, маргарин, музқаймоқ, конфет, маъданли ва салқин ичимликлар ишлаб чиқарув-

чи корхоналар маҳсулотларига «Тяньшан флекс» ёрликлари алоҳида жило бериб турибди. — Ўзбекистондаги қулай инвестицион муҳит бизни бу ерда қўшма корхона ташкил этишга ундади, — дейди унинг бош директори Хе Юнг. — Эътиборлиси, ҳозирга келиб, кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тенг манфаатли ҳамкорлик асосида фаолият кўрсатаймиз. Улар-

нинг буюртмаларига кўра, ойига ўртача 4 млн. донга турли маҳсулот ёрликлари, 10 млн. донгача полиэтилен қопчалар ишлаб чиқараймиз. Устувор лойиҳага кўра, корхонамиз қувватини янада ошироқчимиз. У пайтда ишчилар сони уч баробар ортади.

С. ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: ишни Феруза Нурдиннова маҳсулот сифатини кўздан кечиримоқда. Т. ҚУРБОНОВЕВ олган сурат.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кеча Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан сугурта қилиш муаммоларига бағишланган семинар ташкил этилди. Унда депутатлар, давлат бошқаруви органлари ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Меҳнат ва қонун устуворлиги

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фуқаролар фаолиятини кафолатлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш жараёни изчиллик билан олиб бориляптир. Биргина мисол, Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги ва

бошқа қонунларнинг, давлатимиз раҳбари фармон ва қарорларининг амалиётга жорий этилгани меҳнат-кашларнинг турмуш фаровонлигини таъминлашда катта аҳамият касб этаётди. Шунингдек, Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда «Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сугуртаси тўғри-

сида»ги қонун лойиҳаси концепцияси қўллаб-қувватлангани бу борадаги ишларнинг залворлигидан дарак беради. Айни пайтда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида мазкур қонун лойиҳаси устида қизгин иш олиб борилямоқда. Семинарда таъкидланганидек, иш берувчилар амалдаги қонунчиликка биноан ишлаб чиқаришда ходимлар-

нинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашлар лозим. Аммо амалиётда ходимлар ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш ўз вақтида амалга ошаётгани йўқ. Хусусан, корхоналарнинг банкрот деб эълон қилиниши ёки тугатилиши зарарни қоплаш муаммолари юзага чиқмоқда. Шу боис, юқорида номи келтирилган қонунни қабул қилишга эҳтиёж катта.

Тадбир иштирокчилари бу борадаги хориж тажрибаси билан ҳам таништирилди. Мутахассислар томонидан тегишли тавсиялар берилди.

К. ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Дилором Тошмухамедова 15 декабрь кунин Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

ДИЛОРОМ ТОШМУҲАМЕДОВАНИНГ СИРДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сирдарё округ сайлов комиссиясининг раиси С. Қудратов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Бойвут туман марказий шифохона бўлим мудир Урозали Норбўтаев йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ҳамда дастури билан таништирди. Дастурда мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қамровли ислохотлар амалга ошириляётгани, бунинг самарасини аҳоли турмуш фаровонлиги яшиланиб, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёни изчил давом этаётганида яққол кўриш мумкинлиги таъкидланган. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилиб, улларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилямоқда. Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Д. Тошмухамедова учрашувда нутқ сўзляди.

Гулистон шаҳридаги «Худойкул ота» хусусий дорихонаси мудир Худойкул Раҳмонбердиев, Республика шифохона тиббий ёрдам маркази Сирдарё вилояти филиали ҳамшираси Наргиза Ражабова, Гулистон давлат университети ўқитувчиси Қобил Қўбаев, Бойвут туман марказий шифохонаси шифокори Гулбаҳор Шодиева ва бошқалар номзоднинг дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ушбу сайлов мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа эканини таъкидлаб, сайловчилари 2007 йил 23 декабрь кунин бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз бўйича, кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида, халқаро андозаларга мувофиқ ўтаётгани мамлакатимизда демократик таъминлаш устуворлигидан яна бир далолатдир.

Д. ЭСОНОВА, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари нихосига етмоқда. Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов 15 декабрь кунин Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.

АКМАЛ САИДОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси А. Аҳмедов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакиллари «Меҳр кўзда» жамоат ташкилати раҳбари Мохир Тошқўжаева ҳамда Тошкент шаҳар адвокатлар уюшмаси раиси Гулнора Эшонқонова йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. Дастурда истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қамровли ислохотлар амалга ошириляётгани, бунинг самараси аҳоли турмуш фаровонлиги тобора яшиланиб, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёни изчил давом этаётганида яққол намойи бўлаётгани таъкидланган. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ тизими, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар инсон манфаатлари, ортинми тараққиётга хизмат қилмоқда. Ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намойи этиши, касб-ҳўнар эгаллаши, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилляптир.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А. Саидов нутқ сўзляди.

Ингйўл шаҳар ногиронлар жамияти раиси Борис Ивушкин, «Бунёдкор аёл» уюшмаси раиси Лазиза Акбарова, республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори ўринбосари Марат Ҳошиммухамедов ва бошқалар Президентликка номзоднинг дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз талаблари асосида, умумэтироф этилган халқаро нормаларга мувофиқ, кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида, шунингдек, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод иштирокида ўтаётгани мамлакатимиз сайлов тизими демократик таъминлашга тўлиқ амал қилинаётганидан далолат эканини таъкидладилар. Сайловчилари шу йил 23 декабрь кунин бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Н. УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Қирқш чизиги

зиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган шартномасини, шунингдек буюртмачининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузилган шартномасини мажбурий рўйхатдан ўтказиш;
Давлат бюджетиде қайси юридик ёки жисмоний шахслар учун маблағлар назарда тутилган бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;
Давлат бюджети қайси ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва ҳисоботни тузиш;
Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикасининг кафолатларини ижро этиш».

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 декабрь
№ ЎРҚ - 130

Бўқлаш чизиги

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Бюджет тизими тўғрисида»ги ҳамда «Давлат бюджетининг қазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2007 йил

Қирқш чизиги

Тайинлаш сертификатларини тайёрлаш, расмийлаштириш, бериш, ижро этиш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.
Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва барча даражадаги маҳаллий бюджетларнинг ягона қазна ҳисобварағида бюджет маблағлари қолдиқлари тасдиқланган миқдорда айланма касса маблағи меъёрини шакллантиришга йўналтирилади.
Республика бюджети бюджет маблағлари қолдиқларининг айланма касса маблағи меъёрининг тасдиқланган миқдоридан ортиқ қисми Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда тегишли ҳокимларнинг қарорига кўра қўшимча харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши мумкин.
Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилати томонидан тежаб қолинган бюджет маблағлари олиб қўйилмайди ва улар Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

Бўқлаш чизиги

4) 33-модданин биринчи қисми: иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Бўшланган молия йилидаги харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аввалги молия йилининг охириг чорағидаги бюджетдан ажратилмаган маблағларнинг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорларда, уларни бўшланган молия йилида амалга оширилиши режалаштирилмаган харажатлар суммасига аниқлаштирилган ҳолда, ҳар ойда амалга оширилади»;
қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:
«бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари ҳар чоралик ойма-ой бўлинган муваққат харажатлар сметаси ва бюджет маблағлари олувчининг товар этказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган, ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтказилган шартномаси асосида амалга оширилади»;
учинчи ва тўртинчи хатбошилари тўртинчи ва бешинчи хатбошилари деб ҳисоблансин;
5) 37-модданин матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш, шунингдек унинг давлат даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда амалга оширилади. Ўзбеки-

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАРЛАР



Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи барча сайлов округларида округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг миллий сайлов қонунчилигига оид ҳуқуқий билимини ошириш, фаолиятини сайлов жараёнини тартибга солувчи қонуларга мувофиқ ташкил этиш, барча сайлов участкаларининг бўлажак овоз бериш жараёнига тўлиқ тайёргилигини таъминлаш масалалари — 9-15 декабрь кунлари бўлиб ўтган ҳудудий семинарларнинг асосий мазмунини ташкил этди.

Маъруз семинарлар Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргилик қўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календар режасига мувофиқ ташкил этилди. Ҳар бир сайлов участкасида иккита семинар ўтказилди. Барча участка сайлов комиссияларининг раислари, раис ўринбосарлари ва котибларига Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг ўзгаришлари ҳақида афзалликлари ҳисобига сайлов стандартлари билан таққосланган ҳолда батафсил тушунтириб берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида, «Фўқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида» ва «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида» қонуни, сайловни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қонун ҳужжатларида акс этган қонунлар ҳам батафсил тушунтирилди.

Шунингдек, сайлов қонунчилигининг иш тартиби, жумладан, овоз беришнинг бошқарилиши, овоз беришнинг маъноси ва шартлари ҳақида таъкид қилинган. Сайлов участкаларида амалга ошириш, овозларни санаб чиқиш, овоз бериш жараёнига бўйича протокол тузиш ҳамда уни тегишли сайлов комиссиясига тақдим этиш билан боғлиқ жиҳатлар батафсил тушунтирилди. Бундан ташқари, семинарлар иштирокчиларининг эътибори сайлов бюллетенларини бериш ва олишда қатъий ҳисоб-китоб юритиш зарурлигига қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, барча семинарлар оқиллик ва кенг фикр алмашиш руҳида ўтди. Иштирокчиларни қўриққан саволларга батафсил жавоб қайтарилди. Ҳар бир семинар якунида таъкидланган амалий машғулотлар сайлов қонунчилиги ҳақида сайлов участкаларида амалга ошириш бўйича бўлади. Денов шаҳрида ҳам Сурхондарё вилояти участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ана шундай семинар ташкил этилди.

Биз сайловни ўтказишнинг барча ҳуқуқий жиҳатлари бўйича тўлиқ ва батафсил маълумот олишга муваффақ бўлдик, — деди унда иштирок этган 141-ўзбекистон сайлов комиссияси раиси Ю. Саидов. — Бу, ўз навбатида, бизга Ўзбекистон сайлов қонунчилиги тўғрисидаги билимимизни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, бу бордаги халқаро амалиёт бўйича қўлиб янгиликлардан хабардор бўлиш имконини берди. Ушбу семинар ва амалий машғулотлар, уларда олинган махсус адабиётлар сайловни ташкил этиш билан шугулланаётганлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловни таллаб даражасида ўтказишда катта ёрдам беради.

Семинарларда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Конституциявий суд судьялари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Тошкент давлат юридик институти мутахассислари иштирок этди.

Семинарларда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Конституциявий суд судьялари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Тошкент давлат юридик институти мутахассислари иштирок этди.

Семинарларда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Конституциявий суд судьялари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Тошкент давлат юридик институти мутахассислари иштирок этди.

Куни кеча Самарқанд вилоят ҳокимлигида йўл қурилиши соҳасида амалга оширилган ишлар ва бажарилиши лозим бўлган юмушлар хусусида тадбир бўлиб ўтди.



Самарқандда равон йўллар

Тадбирда вилоят ва шаҳардаги кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Даставвал унинг иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги Ибн Сино ва Рудакий кўчаларини боловчи Мароқанд кўчасига қарнай-кур йўлининг кўриқ қисми бўлиб қўйилди. Каттақирғон шаҳридан кўриқ бўлиб қўйилди. Каттақирғон шаҳридан кўриқ бўлиб қўйилди. Каттақирғон шаҳридан кўриқ бўлиб қўйилди.

Хоро йўлида, Қорадарё устида жаҳон андозлари даражасидаги иккинчи кўриқ қисқа фурсатда барпо этилди. — дейди Самарқанд ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотининг раҳбари Фозил Ражабов. — Маъсумий сарф-харажатлар билан кўриқ бўлиб қўйилди. Каттақирғон шаҳридан кўриқ бўлиб қўйилди.

Яхши хабар

Тантанали маросимда вилоят ҳокими вазифини бажарувчи А. Бахромов иштирок этди.

Абдураҳим САТТОВА, «Халқ сўзи» мухбири. Самарқанд — Бу...

Шифокорлар нозиктаб, раҳмдил, куйди-пишди, шунинг билан бирга оғир, босиқ, етти ўлчаб бир кесадиқлар тоғасига киришади. Уларга ёлгон гапирши Гипократ томонидан тақиқланган. Ибн Сино бобомиздан эса хушмуомала, эътиборли бўлиш бизга мерос қолган.

САЛОМАТЛИК ҲАМ БЕБАҲО НЕЪМАТ

Шифокорнинг пешонаси ёрлақан кун дардмандларга офтоб кулиб боққандир, деган гапга кеча ҳеч ким парво қилмаган бўлиши мумкин, балки. Аммо бугун ҳаммаси бошқача...

Қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди ва улар бугунги кунда самарали фаолият юритаёти.

Дил сўзи

Уларнинг юқори малакали ходимлари фаолияти, иш услуби билан танишганда эса тасаннолар ўқигин келади.

Сунгги йилларда биз шифокорларнинг иш ҳақи 2, 2 бара-варга ошди. Лекин гап бунда эмас. Мухими, биз беморга малакали хизмат кўрсата оламиз. Унинг дардига дармон топишимизнинг имкониятлари эндиликда беҳисоб.

Малика ХОДЖАЕВА, тиббиёт фанлари доктори.

Малика ХОДЖАЕВА, тиббиёт фанлари доктори.



ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

«Камолот» Ешлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Юрт-бошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги тантанасидаги маърузасида тилга олинган масалалар ҳақида сўз борди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг «Фарандаларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва кўлагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир» деган таъкид йиғилиш қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Қонунчилик палатасининг депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, «Келажак овози» Ешлар ташаббуслари Маркази вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда талабалар иштирок этди.

Тадбир

Йиғилиш иштирокчилари 2008 йил — «Ешлар йили»да Ҳаракатнинг олдида турган вазифалар, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан тақлифлар бийдиришди.

Утган асрда халқимиз бошга бало ёдирган вабо, чечак, полиомелит, бўғма, ўлат, куйдирти каби касалликлар мамлакатимизда батамом барҳам топди.

Деврли ишламаган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва амбулаториялар ўрнига замонавий тиббий техника билан жиҳозланган 3,1 миңдан зиёд

тон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари Давлат бюджетининг касса ижросини таъминлайди. Банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг топшириғига биноан Давлат бюджетининг касса ижроси операцияларини бажаради.

152-модда, № 12, 413, 418-моддалар; 2007 йил, № 4, 168-модда, № 9, 420-модда) куйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Бюджет тизими тўғрисида»ги ҳамда «Давлат бюджетининг фазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунарига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Мамлакат бўйлаб Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Энг намунали алоқа хизматчиси

Пойтахтимизда «Энг яхши почта хизматчиси» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон почтаси» чиққ акциядорлик жамиятининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги барча филиалларидан почта ходимлари иштирок этди.

Танловни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг сифатини янада яхшилашга қаратилган. Кўрик-танловда соҳа ходимларининг касб-маҳорати ва билим даражаси яна бир бор синавдан ўтказилди.

Болдан ширин, ёмбидан қиммат

Булоқбоши тумани марказида истиқомат қилувчи Исмоилжон ота Умрқоқовнинг узумзори ёз кезлари бозорчилар билан лиқ тўлади.

Ишқомлардаги баргидан меваси кўп бўлган «Хусайни», «Доройи»лар табиатнинг бе-назир мўъжизасидай ҳамма-ни хайратлантиради. Қизиги шундаки, асарият боғбонлар меваларни саранжомлаб, нов-даларни қайчилаб, тоқларни ўраб-чирмаб қўйганларидан кейин ҳам Исмоилжон отанинг узумлари лояқатга эришадиган даражада бўлади.

Давлатободда қўшма корхона

Наманган шаҳрининг «Давлатобод» мавзесида яна бир ҳамкорлик корхонасига асос солинди. Қурилиш тугалланмаган йирик панелли уйсозлик комбинати ўрнида туркиялик сармоядорлар билан биргаликда ип-йигирув корхонаси ташкил этилади.

Бизнес-лойиҳа бўйича янги корхонанинг биринчи навбатини келгуси йилнинг бошларида қурилиши режалаштирилган. Бунинг учун 23 миллион 700 миң АҚШ доллари миқдорига сармоа ўзлаштирилади. Айни паллада ишлаб чиқариш бинолари қурилишини нихоясига етказиш юмушлари давом этипти. Келгусида илгори иқтисодий са-лоҳиятига ўз ҳиссасини қўшадиган «LP OOO MPT TEXTILE» да технологик линия ҳаракатга келтирилгач, 550 киши мўқим иш жойига эга бўлади.

Шуниси эътиборлики, янги қўшма корхонада йилгига тай-ёрланадиган 17,5 миллион долларлик маҳсулотнинг асосий қисми ташқи бозорга чиқарилади.

Маҳсулот фақат экспортга


«Хоразм-Нуртоп» Ўзбеки-стон-Туркия қўшма корхона-си жорий йилнинг ўн ойи мо-байнида 1 миң 803 тонна маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг ҳаммасини экспортга юнатишга эришди. Бу кор-хона ишга тушган 2002 йил-

ЖАҲОН

24 соат ичида

Молиявий ёрдам кўрсатилади

Кеча Франция пойтахти Парижда Халқаро донорлар конференцияси иш бошлади.



70 та мамлакат ҳамда 20 та халқаро ташкилот вакиллари иштирок этган тадбирда Фаластин мухториятига молиявий ёрдам кўрсатиш

масаласи муҳокама қилинмоқда. Ҳозирда Фаластин ҳукуматида 2008-2010 йиллар оралиғида 5,5 миллиард доллар миқдорда молиявий ёрдам кўрсатилиши режалаштирилган. Биргина АҚШ фаластинликлар турмуш шартини яхшилашга 500 миллион доллар ажратишга ваъда бермоқда.

Разведка маълумотлари асосида

Туркия армияси Ироқ шимолида курд жангариларига қарши ҳарбий амалиёт ўтказди.



Мамлакат армияси кўмондони генерал Ясар Буокантиннинг билдиришича, Ироқнинг шимолий ҳудудига ракета зарбаларининг ёғдирилишини беvosита АҚШ кўллаб-қувватлаган. Унинг сўзларига қараганда, Америка тарафи Туркия армиясига разведка маълумотларини етказиб берган ҳамда курдлар жойлашган лагерларни бомбардимон қилишга ҳаво кенгликлари очиб берилган. Ҳозирча қанча жангари йўқ қилингани ҳақида бирор маълумот йўқ.

Журналист гаровда

Франциялик журналист Гвен ле Гуил Сомалининг шимоли шарқида гаровга олинган.




«Associated Press» ахборот агентлиги хабарида айтилишича, гаровга олинган журналистни озодликка чиқариш учун 70 минг доллар талаб қилинмоқда. Журналист Сомалидаги ноқонуний мухожирлар ҳақида мунтазам репортажлар бериб келаётгани.

Маҳаллий ҳукумат вакили, айни пайтда, журналистни озод қилиш юзасидан маҳсус амалиёт ўтказишга тайёргарлик кўриляётганини маълум қилди.

Амалиётларга рухсат йўқ

Покистон АҚШ армиясига мамлакат ҳудудида аксилтерор амалиётларини ўтказишга рухсат бермайди. Бу ҳақда мамлакат президенти Парвез Мушарраф «Washington Post» ва «Newsweek» газеталарига берган интервьюсида қайд этган.



Бирок унинг таъкидлашича, расмий Вашингтон ва Исламобод ўртасида разведка борасидаги ҳамкорлик давом этади.

Вето қўллаши мумкин

АҚШ Конгрессининг қуйи палатаси Марказий разведка бошқармасига тергов жараёнида маҳбусларга нисбатан турли қийноқлар қўлланилишини тақиқловчи қонун лойиҳасини тасдиқлади.

Агар Сенат ҳам мазкур қонунни маъқулласа, Жорж Бушга имзолаш учун жўнатилади. Бирок манбада айтилишича, Оқ уй ушбу қонунни тақиқловчи қонун лойиҳасини тасдиқлаши мумкин.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Хўш, «Ипотека» сўзининг асл мазмун-моҳияти нима? У молия бозорига қандай аҳамият касб этади? «Ипотекабанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси Абдурашул АБДУЛЛАЕВ билан суҳбатимиз айни шу мавзудан бошланди.

ҲОВЛИ ТҮЙИГА МАРҲАМАТ!

«Ипотекабанк» бизга қаноат бўлмоқда — дейди уй-жой шароитини яхшилашга муяссар бўлган ёшлар.

— Ипотека — бу кўчмас мулк гарови асосида кредит олиш, — дея изоҳ берди суҳбатдошимиз. — Ушбу кредит воситасида бирламчи ва иккиламчи уй-жой бозорига уй-жой сотиб олиш, янги хонадонлар қуриш ёхуд уни қайта таъмирлаш мумкин. Мазкур усул дастлаб қадимги Юнонистонда, қарздорнинг қарз берувчи олдидидаги мажбурияти асосида, маълум ер майдонларининг таъминоти билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Кейинчалик, эрамининг I асрида Римда ипотека ташкилотлари ташкил этилиб, улар мулклар гарови асосида жисмоний шахсларга кредитлар беришган. Бинобарин, инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун ҳисобланган жамиятдагина ипотека қўлланилади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда «Узўйбой-жамгармабанк» ҳамда «Замин» банки бириштирилиб, улар асосида «Ипотекабанк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилган. Банк капиталы 2007 йил 1 октябр ҳолатига кўра 53,5 млрд. сўмга етди. Унинг активлари шу йилнинг 9 ойида 22,5 фоиз ошиб, 542,5 млрд. сўмни ташкил қилди.

Жараён

заводи қурилиши лойиҳасини имтиёзли кредитлаш ҳам мўлжалланган. Ушбу гишт заводлари Тошкент вилоятининг Паркент, Бўстонлик ва Юқори Чирчиқ туманларида барпо этилиб, ҳар бири йилига 20-30 миллион доллар миқдорда қурилувчи лойиҳасини имтиёзли кредитлаш ҳам мўлжалланган. Ушбу гишт заводлари Тошкент вилоятининг Паркент, Бўстонлик ва Юқори Чирчиқ туманларида барпо этилиб, ҳар бири йилига 20-30 миллион доллар миқдорда қурилувчи лойиҳасини имтиёзли кредитлаш ҳам мўлжалланган.



надан гишт ишлаб чиқариш қурилари ага бўлади. Умуман, ўтган даврда қурилиш билан шуғулланган жами 279 та корхона 40 миллиард 55 миллион сўмлик кредитлар билан таъминланди.

Амалга оширилган ишларимизнинг яна бир эътиборли жиҳати шуки, ярим йил мобайнида 4-5 қаватли, барча замонавий қулайликларга эга ёш оилаларга мўлжалланган уйлари қуриш учун барча тайёргарлик юмшларини ниҳоятга етказди. Бугунги кунда Мирзо Улугбек, Собир Раҳимов, Учтепа, Юнобод, Ҳамза, Яқасарой ва Сирғали туманларида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан янги иморатларга ер ажратилиб берилди. Лойиҳасида ҳужжатлари тасдиқланиб, ушбу туманларда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бу каби уй-жойлар пойтахтимизнинг бошқа туманларида ҳам барпо этилади. Шу мақсадда ҳудудларда уй-жой қуриш учун жойлар танлаб олиниб, ер ажратиш бўйича ҳужжатлар шаҳар ҳокимлигига тақдим этилди.

— Республикамиз вилоятларида ҳам ипотека кредити асосида уй-жой қуриш кўзда тутилганими?

— Албатта. Республикамизнинг барча вилоят марказларида ҳам намунавий лойиҳалар асосида ёш оилалар учун 4-5 қаватли уйлар барпо этишга киришилган. Айни пайтда Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида 10 та

коттеж мутлақо янгича шаклда қурилмоқда. Уларнинг 8 тасини жорий йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шундай коттежлар Фарғона вилоятида ҳам бунёд этиляпти.

— Президентимизнинг шу йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича нималар қилинмоқда?

— Юртимизда, биласиз, бугунги кунда ёшларга барча имкониятларни, шарт-шароитларни яратиш давлат сисёати даражасига кўтарилган. Шу маънода Фармон ижросига келсак, унинг асосида банкимиз томонидан ҳам тегишли дастур ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, ёш оилаларга ўз маблағларимиз ҳисобидан 7 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилиши режалаштирилган эди. Ҳозирга қадар бу 1075 оилага 10,3 миллиард сўм миқдорда ипотека, истеъмола ва микрокредитлар ажратилди. Айташ жоизки, Президентимизнинг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодийни модернизациялашдаги инвестиция жараёнида уларнинг иштирокини фойдалантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Молия вазирлиги томонидан 10,0 млрд. сўм ипотека кредити беришни кўллаб-қувватлаш жамгармаси орали банкимизга йўналтирилди. Бугунгача ана шу маблағнинг қарийиб 8,5 млрд. сўми ёш оилаларга имтиёзли кредит тарихида берилди.

Юртимизнинг томонидан 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши бу борадаги ишларни изчил, режалы ва самарали давом эттириш имкониятларини кенгайтириши, шубҳасиз, Биз ўз навбатида, ёшларни ҳар бир жабҳада кўллаб-қувватлашга — ҳоҳ у тадбиркорлик, ҳоҳ уй-жой масаласи, ҳоҳ истеъмола ва бошқа кредитлар бўлсин — доимо ҳамкорликка, амалий муносабатларга тайёرمиз. Демак, «Ёшлар йили»да — «Ипотекабанк» АТБ ёшлар билан бирга, ҳамдам, ҳамнафас бўлади. Бунга бизнинг навиқирон, илчан, ташаббускор жамоатимизини ишончи қойил.

— «Ипотека» банки жомасининг келгуси режалари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Банкимизни жаҳон миқёсида кучли ва қудратли банклар даражасига кўтариш. Бунга, албатта, эришамиз. Мамлакатимиз аҳолиси, ёш оилаларининг шинам, кўркам, замонавий уй-жойлар билан таъминланиши йўлида ҳаммиша астойдил ҳаракат қилаверамиз.

«Халқ сўзи» мухбири А. ҚҮТЕЙДИНОВ суҳбатлашди.

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК
«ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобқли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қоидалари» қабул қилинган ва тасдиқланган. Барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ва жисмоний шахслар томонидан ушбу қоидаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.



Куйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказди, халқро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутиш! Алоқа линияларини шикастланган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазиб ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчилик билан аниқлашга уринманг, бунга фақат бизнинг вақимизимиз амалга оширади. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

«Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали: Тошкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	144-61-08, 132-01-26, 144-29-59
ЛКЦ-0 Тошкент ш.	50-36-79, 380-40-35
КУ-1 Тўйтепа ш.	21-306, 21-121, 186-57-51
КУ-1 Ф-л Ангрэн	2-27-61, 186-57-51
ЛТЦ Бекобод	2-54-11, 316-97-53
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили: Тошкент ш., А.Хўжаев к., 29-уй.	135-36-59
КУ-1 Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 264-уй.	65-80-43
КУ-2 Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй.	168-72-86
КУ-3 Тўйтепа ш.	168-48-51
2-ШМАТБ манзили: Кўхон ш., «Истиқлол» к., 56-уй.	55-2-24-71
КУ-2 Бешариқ тум. маркази, «Сирдарё» к., 9-уй.	61-2-23-66
КУ-3 Наманган ш., Нуробод мас. телеминора.	25-08-82
КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй.	22-23-81
КУ-5 Янгиқўрғон тум. маркази, Чўстий к., 1-уй.	52-9-24-55
3-ШМАТБ манзили: Гулистон ш., Дўстлик кўр.	27-16-20
КУ Сирдарё ш.	57-28-98, 57-34-36
КУ Жиззах ш.	77-05-27, 6-22-07
ЛТЦ-2 Янгийер ш.	72-30-28, 72-30-24
4-ШМАТБ манзили: Булунгур ш., «Самарқанд» к., 18-уй.	33-52-60
5-ШМАТБ манзили: Бухоро ш., «Ғиждувон» к., 69-уй.	223-38-37
6-ШМАТБ манзили: Нукус ш., «Ашқобод» к., 1-уй.	222-37-07, 222-00-43
КУ Туркўул ш.	532-30-60, ички 1-42
КУ Беруний ш.	524-30-60, ички 1-38
7-ШМАТБ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй.	3-59-07
ЛТЦ-16 Денов ш.	7-37-62
8-ШМАТБ манзили: Қарши ш., «Хуснобод» к., 1-уй.	221-02-41
ЛТЦ-15 Ғузор ш.	55-22-167
9-ШМАТБ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШМАТБ манзили: Навоий ш., «Кармана» к., 2-«Б» уй.	224-75-21
КУ-3 Каттақўрғон ш.	45-5-24-54
КУ-4 Ғиждувон ш.	57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофазаси зонасида рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотлар тиклаш;
- кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни курсатувчи оғохлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчилик билан қучириш, синдириш, қўшиб юбориш;
- турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- кабель магистраль алоқа линиялари муҳофазаси зонасидан қудуқлар қазиб, шурф қурилиш ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли хил чиқиндилар ташлаш, кислотла, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛНАДИ!

ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚУЙМАНГ!
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН
«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали

Офис мебель жиҳозларини ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчилар ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА ҲАЗНАЧИЛИК БОШҚАРМАСИ

иш фаолиятида фойдаланиш учун компьютер столи ва стули сотиб олиш бўйича **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Таъминотчиларга қўйиладиган талаблар:
- маҳсулот тегишли мувофиқлик сертификати ага бўлиши керак;
- таъминот 2007 йил 31 декабрга қадар тўлиқ амалга оширилиши шарт.

Тўлов бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади.
Танлов 2007 йил 20 декабрда ўтказилади. Ушбу маълумот билан қизиқувчилар тижорат тақлифини қўйидаги манзилга юборишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Х. Сулаймонова кўчаси, 29-уй.
Мўлжал — Мустиқиллик майдони, Молия вазирлиги ҳазначилиги биноси.
Маълумот учун телефон: 139-14-31. Факс: 139-27-07.

АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Алоқа соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати ва почта алоқаси корхоналари томонидан турли тўловларни амалга оширишда ўрнатилган тартибнинг бузилишига ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилинишига йўл қўйилганда, шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кун соат 10.00 дан 17.00 гача (тушлик 13.00 дан 14.00 гача) Давлат алоқа инспекциясининг

137-01-11
рақамли
«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»
хизматига кўнғирок қилинг.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат алоқа инспекцияларида шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар кун соат 10.00 дан 16.00 гача (тушлик 13.00 дан 14.00 гача) қуйидаги «Ишонч телефони» хизматларига мурожаат қилишингиз мумкин:

1. Қорақалпоғистон Республикаси	224-01-11
2. Андижон вилояти	224-01-11
3. Бухоро вилояти	223-01-11
4. Жиззах вилояти	226-01-11
5. Қашқадарё вилояти	221-01-11
6. Навоий вилояти	224-01-11
7. Наманган вилояти	226-01-11
8. Самарқанд вилояти	222-01-11
9. Сирдарё вилояти	40-01-11
10. Сурхондарё вилояти	227-01-11
11. Хоразм вилояти	226-01-11
12. Фарғона вилояти	223-01-11
13. Тошкент вилояти	225-01-11
14. Тошкент шаҳри	136-01-11

Манзилимиз: Тошкент ш., В. Малясов к., 3-уй.
E-mail: sanktsiya@gis.uz

ЯНГИ ЙИЛ СОВГАЛАРИ

болалар ва катталар учун

Тўлови — пул ўтказиш йўли билан.

Тел.: 173-96-14, 173-97-00, 276-52-91.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт



«ҚУРУВЧИ» КУЧЛИ ГУРУХДА

Кун кеча ОФК қароргоҳида Осиё чемпионлар лигасининг 2008 йилги гуруҳ баҳсларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Бу мавсумда «Пахтакор» ва «Курувчи» жамоалари ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Қуръа натижаларига кўра, нуфузли мусобақада биринчи бор қатнашаётган «Курувчи» жамоаси кучли гуруҳдан жой олди. Бош мураббий Миржа-

лол Қосимов шогирдлари «А» гуруҳида Осиё чемпионлар лигасининг 2007 йилги финалчиси – «Селархон» (Эрон), мусобақанинг икки қарра чемпиони – «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) ва «Ал-Иттиҳод» (Сурия) жамоалари билан кейинги босқичга чиқиш учун куч синашади.

Ўзбекистон чемпиони «Пахтакор» футболчилари эса «D» гуруҳида «Ал Гарафа» (Қатар), «Арбил» (Ироқ) ва «Ал-Қодисия» (Қувейт) жамоалари билан кураш олиб борадиган бўлди.



Минтақавий беллашув

Самарқандда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши ташаббуси билан ёшлар ўртасида минтақавий спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Вилоят олий спорт маҳорати мактабида бўлиб ўтган ушбу беллашувда самбо бўйица 14-16 ёшлилар куч синашишди.

Мусобақада Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Қарши шаҳридан келган 200 нафардан зиёд ёш спортчи 29 килограммдан 70 килограммгача бўлган вазн тоифаларида гиламга чиқди. Улар «Энг яхши спортчи», «Энг яхши жамоа» номинативлари ҳамда ўз вазн тоифалари бўйица гилибдики кўлга киритишди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қолган гуруҳлар куйидагича қўйиниш олган:

«В» гуруҳи: «Ал-Васл» (БАА), «Сайна» (Эрон), «Қувейт» СК (Қувейт), «Ал-Қува ал-Жовия» (Ироқ).

«С» гуруҳи: «Ал-Сауд» (Қатар), «Ал-Ваҳда» (БАА), «Ал-Карам» (Сурия), «Ал-Аҳли» (Саудия Арабистони).

«Е» гуруҳи: «Чангчун Ятай» (Хитой), «Аделаиде Юнайтед» (Австралия), «Поханг Стилерс» (Жанубий Корея), «Бин Дунг» (Вьетнам).

«F» гуруҳи: «Крунг Тай Банк» (Таиланд), «Пекин Гусан» (Хитой), «Нам Дин» (Вьетнам), «Кашима Антлерс» (Япония).

«G» гуруҳи: «Мельбурн Виктори» (Австралия), «Чонбури» (Таиланд), «Гамба Осака» (Япония), «Чуннам Дзэгонс» (Жанубий Корея).

Гуруҳ беллашувлари 2008 йилнинг 12 мартдан 21 майгача қадар давом этади. «Пахтакор» дастлабки урашувни ўз майдонида «Ал-Қодисия» (Қувейт) жамоасига қарши ўтказди. «Курувчи» эса «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) мەҳмони бўлади.

З. ЖОНИБЕКОВ.



«SHIFO NUR KO'Z»

КЎЗ ЛАЗЕР МИКРОЖАРРОҲЛИК МАРКАЗИ

Барча кўз касалликларини текшириб ташхис қўйиш ва даволаш. Клиникада ҳозирги кундаги энг замонавий экс-мерлазер услуби ёрдамида миопия, гиперметропия ва астигматизмни тўғрилаш, катарактни ультратовуш фактоэмульсификацияси ва юмшоқ гавҳарни қўйиш.




- * ЛИНЗАЛАР
- * ОПТИКА
- * ОФТАЛМОПЛАСТИК
- * ЖАРРОҲЛИКНИНГ
- * БАРЧА ТУРЛАРИ
- * КАТАРАКТА
- * АСТИГМАТИЗМ
- * МИОПИЯ



Бизнинг манзил: Муқимий к., 44 «А» уй. Тел.: 280-53-04, 253-44-21, 253-45-21.
E-mail: shifonur@mail.ru

Таэквондочиларимиз совриндор бўлишди

Санкт-Петербург (Россия) шаҳрида таэквондонинг ITF йўналиши бўйича жаҳон кубоги мусобақалари ўтказилди.



Дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатидан келган 800 нафарга яқин спортчи қатнашган мусобақада ҳамовринларимиз ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

Жумладан, Лаура Кушимбетова кумуш, Феруза Кенжаева, Шахло Нуриддинова ва Зулфия Ахмаджоновалар эса юртимизга бронза медаллари билан қайтадиган бўлишди.



«Norma Hamkor» МЧЖ — электрон маълумот тизимларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бозоридаги пешқадам компаниялардан бўлиб, юридик шахсларни Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Бухоро, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида вакиллик фаолиятини бажариш учун ҳамкорликка таклиф этади.

Вақия дастурий маҳсулотларни сотиш ва кейинчалик кузатиб бориш (ўрнатиш, бир фойдаланувчилар ва тармоқли компьютер дастурларини янгиллаш, фойдаланувчиларни дастурий маҳсулотлар билан ишлашга ўргатиш ва шу қабилар) соҳасида малакаларга эга бўлиши лозим.

Ташлашда дастурий таъминот, интернет лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга, компьютер техникасини сотишга ихтисослашган ТАШКИЛОТЛАР, шунингдек юридик ва аудиторлик фирмалари, сугурта компаниялари ва шу билан бирга ахборот-хуқуқий, маълумотнома, қидирув ҳамда бошқа тизимлардан ўзоқ ва фаол равишда фойдаланиб келаётганлар афзалликка эга бўладилар.

Таклифларни қўриб чиқиш учун Сизнинг ташкилотингиз фаолияти йўналишлари; дастурий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш натижалари (фойдаланувчиларнинг манзиллари ва мулоҳазалари кўрсатилган ҳолда келтириш мақсадга мувофиқ) ҳамда электрон дастурлар билан иш тажрибаси тавсифи ҳақида электрон резюме тайёрлаш лозим.

«Norma Hamkor» МЧЖ дирекцияси

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Ҳамид Олимжон майдони, 10 А.
Тел.: (+99871) 1370778, Факс (+99871) 1374529
E-mail: info@norma.uz
Web: www.norma.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномасига 2008 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Ахборотнома саҳифаларида:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- Олий ҳўжалик суди пленуми ва раёсати қарорлари;
- ҳўжалик судлари суд амалиёти тафсилотлари;
- чет эл арбитраж ва республика ҳўжалик судлари тажрибаси;
- қонунчиликни амалиётда қўллашга оид етуқ ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари.

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида 908 ва 909 индекслари орқали амалга оширилади. Шунингдек, таҳририят орқали арзонлаштирилган нархда тўғридан-тўғри обуна бўлишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 277-91-66, 277-96-60.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК

республика ичида

«Тошгузар — Бойсуи — Қумқўрғон»

янги темир йўли бўйича ташиладиган юкларга (нефть ва нефть маҳсулотларидан ташқари) нисбатан 10-01 прејскуранти база ставкалари, нефть ва нефть маҳсулотларига эса пасайтирувчи 0,85 коэффиценти қўлланилишини маълум қилади.



GAZ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS



GAZ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли



GAZ-31105, «ВОЛГА»



GAZ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли



GAZ-32214 (4x4) «Тез ёрдам»



GAZ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи



GAZ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли




GAZ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли



GAZ-3307 Автовакуатор



GAZ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли



ОМСКИШИНА ОАЖ АВТОШИНАЛАРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ. Тел.: 300-29-59

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «GAZ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтаридиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУОРТМАЛАР КАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озик-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокутаргичлар, автоустахоналар, бургулаш (буrowье), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автовакуаторлар.

АВТОИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилги ташийдиган, самосваллар.

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

ГИПСОКАРТОН BRAUS

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

ТОЛШИНА: 8; 9,5; 12мм. РАЗМЕР: 1,2x2,5 м.
Тел.: 267-37-07, 339-14-00. Тел./факс 268-11-89
E-mail: brausboard@rambler.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси «Халқаро ҳуқуқ» кафедраси муdiri Муаттар Раҳимовага онаси

Марямжон аянинг вафот этганлиги муносабати билан тазия изҳор этади.

Камалиддин Беход номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси институт ректори, профессор Алоберди Эгамовга онаси

МУНАВВАР аянинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази жамоаси Қурилиш ва реконструкция қилишни мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш бўлими бошлиғи Олимжон Жўраевга палари бузруқвори Турдали Жўраевнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

«Мозийдан садо» журнали жамоаси таҳририят ходимлари Сабоҳат ва Шаҳодат Аҳмадоваларга акаси Алишер АТХАМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур тазия билдиради.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 23787 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида териялди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босямақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.50

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — А. Орипов.
Набатчи муҳаррир — М. Жоноҳонов.
Набатчи — З. Жонибеков.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6 8